


Ақийда дарслари (159-дарс). Нега аҳли бидъатлар дуо ва савоб ўтган одамга бормаиди дейишади?



19:00 / 29.11.2021 4175

Баъзи бир аҳли бидъатлар: «Ўтган одамга дуонинг ҳам ва бошқа бирор нарсанинг ҳам савоби етмайди», деганлар. Уларнинг бу гаплари аввалги дарсимизда Қуръон ва суннатдан келтирилган далиллар ила мардуддир.

Аҳли бидъатнинг далиллари:

عَسَىٰ أَن يَأْتِيَنَّكَ مِنَ الْإِنسَانِ لَكُلِّ سَيِّئَةٍ نَّوْءٌ

1. «Инсонга ўзи қилганидан бошқа нарса бўлмас» (Нажм сураси, 39-оят).

نَوَّلَ مَعْتَمُتٌ نُّكَامَ الْإِنِّ نَوَزُحَاتِ الْوَأَيُّ شُسُفَنَ مَلْطَاتِ الْمَوْيَلِ اف

кўтармайди», дейилган. Бу эса Аллоҳ таоло ҳеч кимни бошқа бировнинг айби туфайли иқоб қилмаслигини, бировнинг маъсияти учун бошқани жазоламаслигини билдиради.

Учинчидан, ҳар бир киши бировнинг амали билан эмас, фақат ўз амали ила нажот топишини тақозо қилади.

Шундай бўлгандагина, инсоннинг ота-боболари, ўтганлари ва машойихларининг амали ила нажот топиши ҳақидаги хом хаёли кесилади.

2. «Қилган яхши касби ўзига (фойда), қилган ёмон касби ўзига (зарар)» оятининг маъноси ҳам аввалги оятнинг маъносига ўхшайди. Ҳар бир шахс ўз касбининг эгаси, бировнинг касби эгаси эмасдир. Ҳар бир шахс ўз маъсияти туфайли иқоб қилинур, бошқанинг маъсияти туфайли эмас.

3. Энди «Қилиб ўтган амалларингиздан бошқасига жазо олмасиз» оятининг сиёқига тўлиқ қарайдиган бўлсак, унинг тўлиқ матнида «Бу кун бирор жонга ҳеч бир зулм қилинмас. Қилиб ўтган амалларингиздан бошқасига жазо олмасиз» дейилган.

Яъни, бир банданинг бошқа бировнинг қилган амали туфайли жазога тортилмаслиги таъкидланмоқда. Бошқанинг амалидан манфаат олиши эмас.

4. Одам боласи ўлса, ундан амали кесилиши ҳақидаги ҳадисга келсак, бу ҳадисни далил қилиб келтиришнинг ўзи нотўғридир. Чунки унда «амал кесилади» дейилган, «манфаатланиши кесилади» дейилмаган. Ҳар бир амалга уни қилувчиси эгадир. Хоҳласа, ўзига олади, хоҳласа, ўзгага бағишлайди» (Иқтибос тугади).

Эслатма

Аҳли сунна ва жамоа уламолари жумҳури «Маййит ўзидан бошқанинг амалидан манфаат олади», деганлар. Мўътазила мазҳабидагилар «манфаат олмайди», деганлар.

Маййитнинг ортидан қилинадиган хайр-эҳсон, дуо ва бошқа ишлар шариатнинг асосини ташкил этмайди. Булар бир қўшимча нарсалар. Асос ҳар бир одамнинг ўзи қилган амалидир.

Шунинг учун ўлгандан кейин бошқанинг амалидан манфаат тегар экан, деган ўй билан бу дунёда шариатга амал қилмай юравериш мутлақо нотўғридир. Ҳатто баъзи жойларда йилига бир марта худойи қилиб

қўйишни дин деб тушунадиганлар ҳам бор.

Жумҳур уламолар «Маййитга ўзганинг амали манфаат беради» деган ҳукми ўз хаёлларидан чиқариб айтган ҳам эмаслар. Балки, оят ва ҳадисларга суяниб, уларни далил-ҳужжат қилиб туриб айтганлар. Шунинг учун бу нарсани тўғри тушуниш ва унга тўғри амал қилиш керак.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди